



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ҲУЗУРИДАГИ  
САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ  
САЛОМАТЛИГИ ҚЎМИТАСИНING**

**ҚАРОРИ**

**Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг умумий санитария қоидалари, нормалари  
ва гигиена нормативларини (\_\_\_\_\_ -сон СанҚваН) тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 2 июндаги ПҚ-181-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси **қарор қилади:**

1. Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг умумий санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (\_\_\_\_\_ -сон СанҚваН) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан олти ой ўтгач кучга киради.

**Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат  
саломатлиги қўмитасининг раиси –  
Бош давлат санитария врач**

**Б. Юсупалиев**

Тошкент ш.  
2024-йил \_\_\_\_ -

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_-сон

**Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг умумий санитария қоидалари,  
нормалари ва гигиена нормативларини (\_\_\_\_\_-сон СанҚваН)**

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан буён матнда санитария қоидалари деб юритилади) озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг умумий санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу санитария қоидалари озиқ-овқат занжирининг барча босқичлари, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, тарқатиш ва реализация қилиш босқичлари билан боғлиқ жараёнларга нисбатан қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар озиқ-овқат соҳасида фаолият юритувчи жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя қилиниши мажбурийдир.

2. Ушбу санитария қоидаларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бирламчи ишлаб чиқариш** – бирламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш ёки етиштириш, шу жумладан, ҳосилни йиғиш, ҳайвонларни соғиш ва сўйишгача кўпайтириш, шунингдек, истеъмол тухуми, асал етиштириш, ов қилиш, балиқ овлаш ва ёввойи ўсимликларни йиғиш;

**ваколатли давлат органлар** - озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига қўйиладиган норматив талабларни белгиладиган ва (ёки) ушбу талабларга риоя қилиниши устидан назорат чораларини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган органлар;

**дезинфекция** - биологик ёки кимёвий воситалар ва/ёки физикавий усуллар ёрдамида иш жойларидаги, сувдаги ёки ҳаводаги микроорганизмлар микдорини улар озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги ва/ёки яроқлилигига таҳдид солмайдиган даражада камайтириш;

**мақбул даража** - хавфнинг чегара даражаси бўлиб, унда ёки ундан пастроқ даражада озиқ-овқат маҳсулоти мақсадли фойдаланиш учун хавфсиз деб ҳисобланади;

**озиқ-овқат маҳсулоти** – инсон истеъмоли учун мўлжалланган, қайта ишланган, ярим тайёр ёки хом ҳолдаги ҳар қандай маҳсулот ва модда, шу жумладан, озиқ-овқат хомашёси, ичимликлар (ичимлик суви, алкоғолсиз ва алкоғолли ичимликлар), сақичлар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда қўлланиладиган ҳар қандай модда. Озиқ-овқат маҳсулотига ҳайвонлар учун озуқа, тирик ҳайвонлар, парранда, балиқлар ёки ҳашаротлар (тирик ҳолда истеъмол қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно), терим ёки ўримдан олдинги ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, дорилар, косметика воситалари, тамаки ва тамаки маҳсулотлари, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар кирмайди;

**озиқ-овқат маҳсулотининг гигиенаси** – озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат занжирининг ҳар қандай босқичида қўлланиладиган асосий чоралар ва шартлар

**озик-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги** - озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мослиги;

**тозалаш** – ифлосликлар, озиқ-овқат қолдиқлари, кир, ёғ ва бошқа номақбул аралашмаларни йўқ қилиш;

**хавф** – озиқ-овқат маҳсулоти ёки унинг таркибида мавжуд бўлган инсон ҳаёти ва соғлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган биологик, кимёвий, физикавий, аллерген ва бошқа омиллар;

**хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари (бундан буён матнда ХАССП деб юритилади)** – озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига таъсир этиши мумкин бўлган эҳтимолий хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш йўли билан улар устидан критик назорат нуқталарида доимий назоратни ўрнатиш орқали озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлаш тизими.

3. Озиқ-овқат корхоналарининг раҳбарияти озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги принципларига риоя қилиши, хавфсиз ва истеъмол учун яроқли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инсон хатти-ҳаракатларининг муҳим ролини тан олувчи озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг рисоладагидек маданиятини ривожлантириши ва қўллаб-қувватлаши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг рисоладагидек маданиятини ривожлантириш учун қуйидагилар таъминланиши керак:

раҳбарият ва барча ходимларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсиз ишлаб чиқариш принципларига қатъиятлилиги;

озик-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлашда тўғри йўналишни белгилашда ва барча ходимларни жалб қилишда раҳбариятнинг етакчилик роли;

озик-овқат корхоналарининг барча ходимлари томонидан озиқ-овқат маҳсулотининг гигиенаси муҳимлиги тўғрисида хабардорлиги;

озик-овқат корхоналарининг барча ходимлари ўртасида, шу жумладан белгиланган қоидалардан четга чиқиш бўйича очиқ ва аниқ мулоқот мавжудлиги;

озик-овқат маҳсулоти гигиенаси тизимининг самарали ишлашини учун етарли ресурсларнинг мавжудлиги.

4. Озиқ-овқат корхоналарининг раҳбарияти мавжуд озиқ-овқат гигиенаси тизимларининг самарадорлигини қуйидаги чоралар орқали таъминлаши лозим:

озик-овқат тармоғидаги корхонада роллар, масъулият ва ваколатларнинг аниқ тақсимланиши;

ҳар қандай ўзгаришлар режалаштирилганда ва амалга оширилганда озиқ-овқат маҳсулоти гигиенаси тизимининг яхлитлигини сақлаш;

назорат чораларининг амалга оширилишини ва самарадорлигини текшириш ҳамда тегишли ҳужжатларни ўз вақтида янгиллаш;

ходимларнинг тегишли тарзда ўқитилиши ва уларнинг фаолиятининг назорат қилиниши;

тегишли меъёрий талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, мақсадга мувофиқ деб, ҳисобланса, иш услубларини доимий равишда такомиллаштиришга кўмаклашиш.

## **2-боб. Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари**

5. Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги бутун озиқ-овқат занжирининг барча босқичларида озиқ-овқат маҳсулоти билан ўтказиладиган амалиётларнинг юқори санитария-гигиена даражасига эришиш орқали таъминланади.

Бунда қуйидаги амалиётларга риоя этилиши лозим:

озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ёки муомаласи, шу жумладан ташиш, сақлаш, тарқатиш, реализация қилиш билан шуғулланувчи корхона ва майдончаларнинг тегишли санитария-гигиена ҳолатини таъминлаш;

гигиена назорати дастурларини ишлаб чиқиш, самарали татбиқ этиш ва амал қилиш; озиқ-овқат маҳсулоти ва жараёнлар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги фаолияти билан боғлиқ хавфлар ва рисклар ҳақида билимларга эга бўлган малакали ходимларнинг мавжудлигини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлашга содиқликни намойиш этган ва тегишли хавфсизликни таъминлаш усулларини қўллашни рағбатлантирган ҳолда озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигига доир санитария маданиятини ошириш;

ходимлар ўртасида самарали ва ўз вақтида ахборот алмашинувини, санитария-гигиена талабларини бажариш юзасидан вазифа ва ваколатларнинг аниқ тақсимлаш;

санитария-гигиена назорати талабларини самарали бажариш учун етарли ресурслар мавжудлигини таъминлаш;

илм-фан, технология ва илғор тажриба ютуқларини ҳисобга олган ҳолда доимий яхшиланишни рағбатлантириш.

### **3-боб. Бирламчи ишлаб чиқаришга қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари**

4. Бирламчи ишлаб чиқаришнинг санитария-гигиена ҳолатини бошқариш озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини ва унинг мақсадли қўлланишга мослигини таъминлаши керак.

5. Бирламчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришда атроф-муҳит озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига таҳдид соладиган жойлардан фойдаланиш тақиқланади.

6. Бирламчи ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва бирламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш жойида уларнинг муомаласи билан боғлиқ бошқа жараёнларни ҳамда тирик ҳайвонларни ташишда бирламчи маҳсулотларнинг хавфсизлигини, шунингдек, инсонлар саломатлигининг муҳофазасини таъминлаш мақсадида қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

бирламчи маҳсулотлар ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини кемирувчилардан шикастланишдан, микробиологик, шу жумладан нажас, ифлосланган тупроқ, сув, ем ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари орқали кимёвий ва физик ифлосланишдан ҳимоя қилиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи ўсимликлар ва маҳсулдор ҳайвонларнинг соғлом ҳолатини, шу жумладан зоонозлар ва уларнинг қўзғатувчилари устидан давлат мониторинги ва назорати бўйича режалар бажарилишини таъминлаш;

пестицидлар ва ветеринария дори воситаларидан тўғри фойдаланишни таъминлаши, пестицидлар ва ветеринария дори воситаларини чиқариш даврига риоя қилиш;

инсон томонидан истеъмол қилинишига йўл қўйиб бўлмайдиган материалларни йўқ қилиш мақсадида бирламчи маҳсулотларни саралаш ва барча саралаш чиқиндиларини гигиеник тарзда утилизация қилиш;

харорат, намлик назорати ва бошқа турдаги назорат усулларини қўллаш йўли билан бирламчи маҳсулот сифатининг ёмонлашиши ва бузилишининг олдини олиш;

чиқиндиларни йўқ қилиш ва хавфли моддаларни сақлашнинг тегишли усулларини қўллаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

7. Чорвани кўпайтириш, овчилик ёки чорвачилик маҳсулотларини бирламчи ишлаб чиқаришда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

бирламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва муомалага чиқариш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш майдончаларини, шу жумладан озукани сақлаш ва тайёрлаш учун биноларни тозалаш, ювиш ва дезинфекция қилиш йўли билан тоза сақлаш;

ускуналар, инвентар ва транспорт воситаларини тозалаш, ювиш ва дезинфекция қилиш йўли билан тоза сақлаш;

сўйиладиган ҳайвонларнинг тозалигини таъминлаш;

ифлосланишнинг олдини олиш учун ишлаб чиқариш майдончаларида хўжалик-маиший сувдан фойдаланиш;

саломатлик ҳолати озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига таҳдид солмайдиган ва мажбурий тиббий кўриқдан ҳамда гигиеник ўқитишдан, шу жумладан оддий иш турлари бўйича инструктаждан ўтган ходимларга озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва муомалага чиқариш жараёнларида иштирок этишга рухсат бериш;

кемирувчиларга қарши кураш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

ифлосланишнинг олдини олиш мақсадида чиқиндиларни ва хавфли моддаларни максимал даражада хавфсиз усуллар билан сақлаши ва олиб чиқиб ташлаш;

инсонларга озиқ-овқат орқали юқадиган касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида, янги ҳайвонларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ шубҳали касалликлар тўғрисида ваколатли органга хабар бериш;

намуналарни тадқиқ этиш (синаш) натижаларидан фойдаланиш;

ветеринария дори воситалари ва озукабоп қўшимчаларидан қонунчилик талабларига мувофиқ фойдаланиш.

8. Ҳосилни йиғиш ёки ўсимликлардан олинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мазкур санитария қоидаларининг 7-бандида қайл этилган чора-тадбирларни амалга ошириш, (3, 8 ва 10-хатбошида қайд этилган чора-тадбирлар бундан мустасно) шунингдек ўсимликларни химоя қилиш воситаларидан қонунчилик талабларига мувофиқ фойдаланиш лозим.

9. Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг юқори даражасини таъминлаш ва инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда тезкор чоралар кўриш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

хавфли омилларни бошқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида қайдларни юритиш ва уларни озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати тугаганидан кейин ҳам уч ой давомида сақлаш;

сўровга биноан ушбу маълумотларни тақдим этиш.

10. Чорвачилик, овчилик ёки келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб озиқ-овқат маҳсулотини бирламчи ишлаб чиқаришда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи қайдлар юритилиши керак:

озуқа турлари ва келиб чиқиши;

хайвонлар учун ветеринария дори воситалари, уларни қўллаш санаси, шундан кейин хайвонлар ёки келиб чиқиши хайвонотга мансуб озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланишга рухсат беришдан олдинги кутиш вақти;

хайвонларнинг озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин касалликларини мавжудлиги;

хайвонлардан олинган намуналарнинг ёки диагностика ўтказиш учун олинган бошқа намуналарнинг таҳлиллари (синовлари) натижалари;

хайвонлар ва озиқ-овқат маҳсулотининг ветеринария инспекциясидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

11. Ҳосилни йиғиш ёки ўсимликка мансуб маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи қайдлар юритилиши керак:

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш, уларни қўллаш санаси, шундан кейин ўсимликка мансуб озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланишга рухсат беришдан олдинги кутиш вақти;

ўсимликка мансуб озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган зарарли организмлар ёки касалликлар мавжудлиги;

ўсимлик намуналари ёки бошқа намуналарнинг тегишли таҳлиллари (синовлари) натижалари.

#### **4-боб. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва унинг муомаласи амалга ошириладиган майдончалар ва биноларнинг ички тузилмаларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

12. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласи амалга ошириладиган майдончаларини ва биноларни жойлаштиришда озиқ-овқат маҳсулоти ифлосланишининг эҳтимолий манбалари, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотини ҳимоя қилиш учун қабул қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай оқилона чораларнинг самарадорлиги ҳисобга олиниши керак.

13. Ишлаб чиқариш майдончалари ва бинолари озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги ёки яроқлилигига таҳдид сақланиб қоладиган ҳар қандай жойда жойлаштирилмаслиги керак.

Бунда, ишлаб чиқариш майдончалари:

озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишига жиддий хавф туғдирадиган экологик жиҳатдан ифлосланган ҳудудлар ва саноат фаолияти олиб бориладиган жойлардан;

етарлича хавфсизликни таъминлаш чораларини яратиш мумкин бўлмаган сув тошиши хавфи мавжуд бўлган ҳудудлардан;

зараркундалардан зарарланишга юқори даражада мойил бўлган ҳудудлардан;

ҳам қаттиқ, ҳам суёқ чиқиндиларни самарали равишда йўқотиш мумкин бўлмаган ҳудудлардан узоқроқда жойлашган бўлиши керак.

14. Ишлаб чиқариш майдончаларининг тузилиши ва жойлашуви лозим даражада техник хизмат кўрсатиш ва тозалаш имкониятини яратилишини таъминлаши, бунда ишлаб чиқариш майдончаларидаги биноларнинг жойлашуви ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил этилиши, шу жумладан ходимлар ва материалларнинг бинолар ичида

ҳаракатланиши ўзаро ифлосланиш эҳтимолининг олдини олишга ёки камайтиришга қаратилган бўлиши керак.

15. Озиқ-овқат маҳсулотининг иккиламчи ифлосланишини олдини олиш ёки камайтириш мақсадида улар жойлаштирилган ҳудудларни, хусусан, хомашё ва тайёр маҳсулотлар ҳудудларини қуйидагича ажратиш (алоҳидалаш) чоралари кўрилиши лозим:

деворлар ёки тўсиқлар ўрнатиш орқали жисмоний ажратиш;

вақтинчалик ёки кўчма ишлаб чиқариш майдончалари бўшлиқда ажратиш йўли билан (масалан, етарлича масофада жойлашиш);

ишлаб чиқариш оқимларини тегишли тарзда ташкил этиш (масалан, бир йўналишли ишлаб чиқариш оқими);

вентиляция оқимларини тегишли тарзда ташкил этиш;

амалиётларни вақт бўйича ажратиш, улар орасида зарурий йиғиштириш, тозалаш ва дезинфекциялашни ўтказиш мумкин бўладиган қилиб тақсимлаш.

16. Биноларнинг тузилиши ва жойлашуви озиқ-овқат маҳсулотига қўйиладиган гигиеник талабларнинг тегишли даражасини таъминлаши, шу жумладан технологик жараёнлар вақтида ва улар оралиғида озиқ-овқат маҳсулотини ифлосланишдан ҳимояланишини таъминлаши шарт.

Шу мақсадда биноларнинг ички тузилмалари ишончли ва пишиқ бўлиши, осон хизмат кўрсатиладиган, тозаланадиган ва зарур ҳолларда, осон дезинфекцияланадиган бўлиши керак.

Ички тузилмалар токсик бўлмаган ва инерт материаллардан тайёрланган бўлиши ва қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

девор, тўсиқ ва полларнинг сиртлари осон тозаланиши, дезинфекция қилиш мумкин бўлиши, сув ўтказмаслиги ва сингдирмаслиги;

девор ва тўсиқларнинг юзаси тегишли технологик жараёнлар амалга ошириладиган доирадаги баландлик даражасига қадар силлиқ бўлиши;

полларнинг тузилиши етарлича дренаж ва тозалаш имконини таъминлаши;

шифтларнинг (улар бўлмаган тақдирда, томнинг ички юзаси) ва устки маҳкамлагичлар, шунингдек шифт арматураларининг тузилиши (масалан, ёритиш мосламалари) зарбаларга чидамли бўлиши, уларнинг охири қопламаси силлиқ бўлиши, ифлосликлар ва конденсатнинг тўпланиши, моғор пайдо бўлиши эҳтимолини камайтириши ва мосламаларнинг қисмларини (заррачаларини) тўкилиб тушишини бартараф қилиши;

шифтларнинг баландлиги ишлаб чиқариш амалиётларини бажариш учун етарли даражада бўлиши;

деразалар осон ювиладиган бўлиши, уларнинг тузилиши эса кирлар тўпланишини камайтириши;

деразалар очилган тақдирда, чивинларга қарши тўрлар (ечиб олиш ва ювишга мўлжалланган) ўрнатилиши;

очилганда ифлосланишга олиб келиши мумкин бўлган ойналар ишлаб чиқариш вақтида ёпиқ бўлиши;

эшиклар юзаси силлиқ ва чангни ютмайдиган бўлиши ва осон тозаланадиган ҳамда зарур ҳолларда, дезинфекция қилинадиган бўлиши керак.

17. Озиқ-овқат маҳсулоти билан тўғридан-тўғри алоқа қиладиган ишчи юзалар соз, бузилмаган ҳолатда, узоқ чидамли бўлиши, парвариш қилиш, тозалаш ва дезинфекция қилиш учун қулай бўлиши керак. Улар нормал иш шароитида озиқ-овқат маҳсулоти ёки

ювиш ва дезинфекциялаш воситалари билан кимёвий реакцияга киришмайдиган силлик, сингдирмайдиган материаллардан тайёрланиши керак.

Агар озик-овқат маҳсулотига айрим анъанавий хусусиятларни бериш учун шунга мослаштирилган биноларда жойлаштирилганда (анъанавий озик-овқат маҳсулоти учун), бундай биноларнинг шифтлари, деворлари ва поллари учун мазкур санитария қоидаларининг 16-бандида кўрсатилган талабларга (сув ўтказмаслик, сингдирмасизлик хусусиятлари) риоя қилиш талаб этилмайди.

#### **5-боб. Ҳавонинг вентилляцияси, ёруғлик ва ҳарорат жараёнларини таъминловчи тизимларга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

18. Озик-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки уларнинг муомаласи учун мўлжалланган биноларни жиҳозлашда қуйидагиларни таъминлаш имконини берувчи тегишли табиий ёки механик шамоллатиш воситалари бўлиши керак:

Озик-овқат маҳсулотининг ҳаво-томчи йўли билан, масалан, аерозоллар ва конденсат томчилари билан ифлосланишини камайтириш;

атроф-муҳит ҳароратини назорат қилиш;

озик-овқатнинг органолептик яроқлилигига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳидларни йўқотиш;

Озик-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида намликни назорат қилиш, шу жумладан озик-овқат маҳсулотининг намлиги ортиб, келгусида микроорганизмларнинг кўпайиши ва токсинли метаболитлар ҳосил бўлишининг олдини олиш.

19. Вентилляция тизимлари ҳаво ифлосланган ҳудудлардан тоза жойларга ўтмайдиган тарзда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши, шунингдек, тизимлар хизмат кўрсатишда содда ва осон тозаланадиган бўлиши керак.

20. Озик-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки уларнинг муомаласи учун мўлжалланган бинолар етарлича табиий ёки сунъий ёруғлик билан таъминланиши керак.

Бунда, ёруғлик озик-овқат маҳсулотидаги нуқсонлар ёки ифлосланишларни аниқлашга ёхуд хона ва жиҳозларнинг тозаллигини текширишга ҳалақит бермаслиги керак.

Ёруғликнинг интенсивлиги бинода амалга ошириладиган жараёнларнинг турига мос келиши керак.

21. Ёритиш асбоблари ёритиш элементларининг синиши ёки яхлитлиги бузилиши натижасида озик-овқат маҳсулотининг ифлосланишини истисно қиладиган тарзда химояланган бўлиши керак.

22. Озик-овқат маҳсулоти билан амалга ошириладиган жараёнларнинг турига қараб, озик-овқат маҳсулотини иситиш, совутиш, иссиқ ишлов бериш, совутиш ва музлатиш, совутилган ёки музлатилган озик-овқат маҳсулотини сақлаш ва, зарур ҳолларда, озик-овқат маҳсулоти хавфсизлиги ва яроқлилигини таъминлаш мақсадида атроф-муҳит ҳароратини назорат қилиш учун тегишли воситалар таъминланиши керак.

#### **6-боб. Дренаж тизимига ва чиқиндиларни чиқариб ташлашга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**



23. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва/ёки уларни муомаласи амалга ошириладиган майдончаларда дренажни таъминлаш ва чиқиндиларни йўқ қилиш учун тегишли тизимлар ва тузилмаларни режалаштириш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш керак.

Бундай тизимлар ва тузилмалар озиқ-овқат маҳсулоти ёки тоза сув таъминоти тизимларининг ифлосланиши эҳтимолини истисно қиладиган усулда, шу жумладан оқова сувларнинг тескари оқишини, кесишиб уланишини ва канализация тизимларида ҳосил бўлган суюқлик ва газларнинг ўтишини олдини олиш йўли билан лойихалаштирилиши ва тайёрланиши лозим.

Бунда, дренажнинг юқори даражада ифлосланган жойлардан (масалан, ҳожатхоналар ёки хомашё ишлаб чиқариш ҳудудлари) тайёр озиқ-овқат маҳсулоти атроф-муҳитга таъсирига учрайдиган ҳудудларга оқиб кетишига йўл қўйилмайди.

24. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат чиқиндилари ўз вақтида, озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишини олдини олишга қаратилган усулда тўпланиши ва озиқ-овқат маҳсулоти мавжуд бўлган ҳудуддан имкон қадар тезроқ олиб чиқиб ташланиши керак. Иш жойларида озиқ-овқат чиқиндилари йиғилганда ва тўпланганда озиқ-овқат чиқиндилари максимал даражада ҳимоя ва дезинфекцияни таъминлайдиган тарзда тайёрланган ёпик, аниқ белгиланган, сув ўтказмайдиган контейнерларга жойлаштирилиши керак.

25. Чиқиндиларни вақтинча сақлаш майдончалари кемирувчилардан ифлосланишининг олдини олиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотига ишлов бериладиган бинолардан узоқроқда махсус жиҳозланган майдончаларда жойлаштирилиши, чиқиндилар, ноозиқ-овқат ёки хавфли моддалар учун контейнерлар ва баклар аниқ белгиланиши, қопқоқ билан жиҳозланган бўлиши, тегишли конструкцияга эга бўлиши ва сув ўтказмайдиган материалдан тайёрланган бўлиши керак.

26. Чиқиндиларни сақлаш майдончалари осон аниқланиши, тоза сақланиши ва кемирувчилар билан ифлосланишга чидамли бўлиши керак.

27. Хавфли моддаларни утилизация қилишдан олдин вақтинча сақлаш учун фойдаланиладиган контейнерлар идентификация қилиниши ва озиқ-овқат маҳсулотининг касддан ёки тасодифан ифлосланишининг олдини олиш учун қулфланиши лозим.

28. Чиқиндиларни, шу жумладан хавфли чиқиндиларни йўқ қилишга масъул ходимлар озиқ-овқат маҳсулотини четдан ифлосланиш манбаи бўлмаслиги учун гигиеник ўқитилиши керак.

29. Чиқиндиларни утилизация қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

#### **7-боб. Тозалаш ва ювиш хоналарига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

30. Инвентар, идишлар, майда ва имкон қадар кўчма ёки йиғма жиҳозларни тозалаш, ювиш ва дезинфекция қилиш махсус ажратилган ва жиҳозланган хоналарда амалга оширилиши керак.

Бундай хоналар зарур жойларда совуқ ва/ёки иссиқ сув билан таъминланган бўлиши керак.

Инвентар ва жиҳозлар учун ҳожатхоналар, дренаж тизимлари ва чиқиндилар йўқ қилинадиган юқори ифлосланган ҳудудлардан алоҳида бўлган тозалаш ҳудуд ажратилиши керак.

31. Озиқ-овқат маҳсулотини ювиш учун хоналар асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ёки унинг ажраладиган қисмларини ювиш хоналаридан ажратилган бўлиши керак.

Бунда, озиқ-овқат маҳсулоти ёки жиҳозларни ювиш учун қўл ювиш чиғаноқларидан фойдаланишга таъқиқланади.

32. Ҳаракатланмайдиган ускуналар учун жойида тозалаш, ювиш ва дезинфекциялаш тизимлари кўзда тутилиши лозим.

### **8-боб. Сақлаш хоналарига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

33. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва/ёки уларнинг муомаласи амалга ошириладиган майдончаларда озиқ-овқат маҳсулоти, озиқ-овқат таркибий қисмлари, озиқ-овқат маҳсулоти учун қадоқлаш материаллари, чекланган ҳолда фойдаланиладиган таркибий қисмлар ва ноозиқ-овқат кимёвий моддалар (шу жумладан тозалаш воситалари, мойлаш материаллари, ёнилғи) хавфсиз ва гигиеник тарзда сақланиши учун тегишли ва зарур ҳолларда алоҳида хоналар кўзда тутилган бўлиши керак. Сақлаш хом ва тайёр маҳсулотларни, шунингдек, аллерген ва ноаллерген маҳсулотларнинг жисмонан ажратилишини таъминлаши керак.

34. Озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш учун хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

бир хилда техник хизмат кўрсатиш ва тозалашга имкон бериши;

кемирувчиларнинг кириши ва яширинишига йўл қўймаслиги;

Озиқ-овқат маҳсулотини ифлосланишдан, шу жумладан сақлаш вақтида аллергенлар билан четдан алоқа қилишдан самарали ҳимоя қилишни таъминлаши;

зарур ҳолларда, ҳарорат ва ҳаво намлигини назорат қилиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотининг бузилишини камайтирадиган шарт-шароитларни таъминлаши.

35. Чекланган фойдаланиш учун ингредиентлар хавфсиз усулда, кулфланадиган камераларда ёки контейнерларда уларга кириш имконияти чекланган ҳолда сақланиши керак.

36. Ювиш, тозалаш ва дезинфекциялаш воситалари, бошқа хавфли кимёвий моддаларни хавфсиз сақлаш учун алоҳида хоналарни ажратиш лозим.

Бунда, барча кимёвий моддалар, шу жумладан тозалаш, ювиш, дезинфекциялаш воситалари, мойлаш материаллари фойдаланиш учун дозаланган ҳолда инерт материаллардан тайёрланган ва тегишлича тамғаланган идишларда сақланиши керак.

### **9-боб. Ходимлар гигиенасини таъминлаш хоналари ва хожатхоналарга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

37. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласи амалга ошириладиган майдончалар ходимларга шахсий гигиенани таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулоти ифлосланишининг олдини олиш учун етарли миқдордаги хоналар ва ювиниш жойлари (масалан, кийим алмаштириш ва душ хоналари, қўл ювиш шохобчалари) ва хожатхоналар билан лозим даражада жиҳозланган бўлиши керак.

38. Бундай хоналар қулай жойлашган бўлиши ва бошқа мақсадларда, масалан, озиқ-овқат маҳсулотини ёки озиқ-овқат маҳсулоти билан алоқада бўладиган воситаларни сақлаш учун фойдаланилмаслиги керак.

Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

совуқ ва иссиқ сув билан таъминланган бўлиши;

қўлларни ювиш, дезинфекциялаш ва хавфсиз қуритиш воситалари, шу жумладан совун (суяқ совун), бир марта ишлатиладиган сочиқлар ёки қўлни қуритиш мосламалари билан таъминланган бўлиши;

шахсий гигиенага риоя қилишни таъминлайдиган қўл ювиш учун чиғаноқлар билан таъминланган бўлиши, бунда қўлда бошқарилмайдиган кранлар ўрнатилиши ёки кран элементларининг юзаси орқали қўлни қўшимча ифлосланишининг олдини оладиган ускуналар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

39. Ҳожатхоналарнинг тузилиши, жойлашуви ва хизмат кўрсатиши озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига хавф туғдирмаслиги керак.

### **10-боб. Кўчма ва вақтинчалик ишлаб чиқариш майдончаларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

40. Кўчма ва вақтинчалик ишлаб чиқариш майдончалари (чодирлар, киосклар, пештахталар, савдо учун кўчма транспорт воситалари) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

тоза ва тегишли ҳолатда сақланиши;

ҳар қандай ифлосланиш хавфидан, шу жумладан зараркунандалар ва кемирувчилардан ҳимояланиши;

керакли шахсий гигиенани сақлаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши;

озиқ-овқат маҳсулоти билан алоқада бўладиган юзалар (жумладан, асбоб-ускуналар юзаси) бузилмаган ҳолатда сақланиши, осон тозаланиши ва дезинфекцияланиши, силлик, зангламайдиган, токсинсиз, ювилиши мумкин бўлган материаллардан тайёрланган бўлиши;

зарур миқдорда иссиқ ва совуқ ичимлик суви билан таъминланган бўлиши;

хавfli ва истеъмол қилинмайдиган моддалар ва чиқиндиларни (суяқ ёки қаттиқ) гигиеник сақлаш учун тегишли воситаларга ва кейинчалик муомаладан чиқариш воситаларига ёки уларни утилизация қилиш имкониятига эга бўлиши;

озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш учун зарур бўлган ҳароратни ушлаб туриш ва уни назорат қилиш учун зарур воситаларга эга бўлиши;

озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланиш хавфини камайтирадиган тарзда жойлаштирилишини таъминлаши лозим.

### **11-боб. Ишлаб чиқариш ускуналари ва идишларга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

41. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналар ва идишлар яроқли бўлиши ва соз ҳолатда сақланиши керак.

Улар ифлосланишининг тўпланишига йўл қўймайдиган, уларни лозим даражада тозалаш (озиқ-овқат бизнеси операторига қайтарилмайдиган идишлар бундан мустасно), ювиш ва зарур ҳолларда, уларни дезинфекциялаш, шунингдек, атрофдаги худудни (биноларни) лозим даражада тозалаш имкониятини таъминлайдиган тарзда лойиҳалаштирилиши, қурилиши ва жойлаштирилиши керак.

42. Озиқ-овқат маҳсулотига тегиб турадиган ускуна элементлари ва идишлар озиқ-овқат маҳсулоти билан алоқа қилиш учун яроқли бўлган, мақсадга кўра фойдаланилганда ўзларидан моддалар ва токсинлар чиқармайдиган материаллардан тайёрланиши керак.

43. Ускуналар фойдаланишга чидамли бўлиши, зарур ҳолларда, таъмирлаш, тозалаш, дезинфекция қилиш ва кемирувчиларга текширишни осонлаштириш учун, ҳаракатланувчи ёки демонтаж қилиниши мумкин бўлиши керак.

### **12-боб. Озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш ускуналари ва ишлов бериш шарт-шароитларини назорат ва мониторинг қилиш учун ўлчов воситаларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

44. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ускуналар ва ўлчов техникаси воситалари доимий соз ҳолатда ишлаши зарур.

45. Озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш, иситиш, совутиш, сақлаш ёки музлатиш учун ишлатиладиган ускуналар озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлаш учун керакли ҳароратга қанчалик зарур бўлса, шунчалик тез эришишни, шунингдек белгиланган вақт давомида озиқ-овқат маҳсулоти ҳароратини самарали сақланишини таъминлаши керак.

Бундай ускуналар ҳароратни назорат қилиш ва тартибга солиш (кўпайтириш, пасайтириш) воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Бундан ташқари, зарур ҳолларда, ускуналар намлик, ҳаво оқими тезлиги ва озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа омилларни назорат ва мониторинг қилувчи самарали воситаларга эга бўлиши керак.

46. Ўлчов воситалари метрология ва метрология фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига жавоб бериши керак.

47. Ускуналар ва контейнерлар емирилишининг олдини олиш учун кимёвий воситалардан уларни ишлаб чиқарувчисининг кўрсатмаларига асосан қўллаш лозим.

### **13-боб. Сув билан таъминлашга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

48. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласи амалга ошириладиган майдончаларини ва биноларни сув билан таъминлашда қуйидаги талабларга риоя қилиниши шарт:

ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турига мос келадиган миқдорда ичимлик суви билан таъминланиши;

ўт ўчириш, буғ ишлаб чиқариш, музлатиш тизимларида ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ичимлик сувининг етказиб берилиши аниқ идентификация қилинган сув тармоғи орқали амалга оширилиши, бунда ичимлик сувини етказиб беришга мўлжалланмаган қувуридан ичимлик сувини етказиб беришда фойдаланилмаслиги;

49. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда (технологик жараёнда ва/ёки таркибий қисм сифатида) фойдаланиладиган сув ичимлик суви учун белгиланган талабларга жавоб бериши;

озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган муз ичимлик сувидан ёки агар

у яхлитлиги бузилмаган балиқчилик/аквакултура маҳсулотларини совутиш учун ишлатилса, тоза сувдан тайёрланиши ва уни ифлосланишдан ҳимоя қиладиган шароитларда ишлаб чиқарилиши ва сақланиши;

озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган буғ таркибида инсон саломатлиги учун хавfli бўлган ёки озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишига олиб келадиган моддалар бўлмаслиги;

герметик идишлардаги озиқ-овқат маҳсулотига термик ишлов ушбу идишларни совутиш учун ишлатиладиган сув бу маҳсулотларни ифлослантириш манбаи бўлмаслиги лозим.

#### **14-боб. Техник хизмат кўрсатиш, тозалаш ва дезинфекция қилишга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

50. Хоналар ва ускуналар лозим даражада тозалаш ва дезинфекциялаш таомилларини амалга оширишнинг қулайлигини, мақсадга мувофиқ ишлашини, озиқ-овқат маҳсулоти ифлосланишининг, масалан, зараркунандалардан, металл парчалари, сувоқ бўлаклари, чиқинди, кимёвий моддалар, ёғоч парчалари, пластмасса, шиша, картон ва ҳк. каби бегона моддалардан зарарланишининг олдини олишни таъминлайдиган тарзда яроқли ҳолатда сақланиши керак.

51. Тозалаш микробиологик ёки кимёвий ифлосланиш манбаи, шу жумладан аллергенлар бўлиши мумкин бўлган озиқ-овқат қолдиқлари ва ифлосликлар йўқ қилинишини таъминлаши керак.

Тозалашдан сўнг озиқ-овқат маҳсулоти билан алоқа қиладиган юзаларни дезинфекция қилиш шарт.

52. Озиқ-овқат маҳсулотига ишлов бериш ва сақлаш жойларида озиқ-овқат маҳсулоти турадиган юзалар учун яроқли бўлган тозалаш воситаларидан фойдаланиш лозим.

53. Кимёвий воситалар ҳамда тозалаш ва дезинфекциялаш воситаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмаларига мувофиқ, шу жумладан тўғри суюлтириш ва таъсир қилиш вақти бўйича фойдаланиш ва аниқ белгиланган идишларда озиқ-овқат маҳсулотидан алоҳида сақлаш лозим.

54. Турли гигиеник зоналар учун, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулоти ва ноозиқ-овқат моддалари ва материаллари турадиган юзалар учун тегишли белгига эга бўлган ажратилган тозалаш ва йиғиштириш ускуналари ва инвентарлари қўлланилиши керак.

55. Тозалаш ускуналари ва инвентар белгиланган жойда, юзалар ва маҳсулотлар ифлосланишининг олдини оладиган тарзда сақланиши, тоза тутилиши ва юзалар озиқ-овқат маҳсулотини четдан ифлослантириш манбаига айланмаслиги учун вақти-вақти билан алмаштирилиши лозим.

56. Тозалаш иситиш, артиш, турбулент оқим, вакуумли тозалаш каби жисмоний усуллар (ёки сувдан фойдаланишни истисно қиладиган бошқа усуллар) ва ювиш воситалари, ишқорлар ёки кислоталарнинг эритмаларидан фойдаланиладиган кимёвий усулларни алоҳида ёки бирлаштирилган ҳолда қўллаш билан амалга оширилиши, бунда сув микробиологик ифлосланиш эҳтимолини оширадиган баъзи озиқ-овқат саноати корхоналарида ва/ёки ишлаб чиқариш майдончаларида қуруқ кимёвий тозалаш ёки бошқа тегишли қолдиқ ва чиқиндиларни йўқотиш усуллари талаб қилиниши лозим.

Тозалаш озиқ-овқат маҳсулотининг, масалан, чиқит ва кир зарраларининг сачраши ёки сочилиши оқибатида, ифлосланишига олиб келмаслиги керак.

57. Намли тозалаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

юзадан кўринадиган йирик чиқитларни олиб ташлаш;

ифлосланишни юмшатиш учун тегишли тозалаш эритмасини қўллаш;

кат-кат кўчган материаллар ва ювиш воситаси қолдиқларини йўқ қилиш учун сув билан (зарур ҳолларда иссиқ сув билан) ювиш.

58. Зарур ҳолатларда, тозалашдан сўнг кимёвий дезинфекция қўлланиши, сўнгра чайиб ташланиши лозим, ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларида чайиш талаб этилмаслиги кўрсатилмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Дезинфекция қилиш учун қўлланиладиган кимёвий моддаларнинг концентрацияси, алоқа қилиш усули (суёқлик, кўпик) ва таъсирининг давомийлиги фойдаланиш учун яроқли бўлиши ҳамда микрофлорага таъсирининг мақбул даражада самарадорлигига эришиш учун ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига амал қилиниши лозим.

59. Тозалаш ва дезинфекция қилиш ишлаб чиқариш майдончаларини лозим даражада тозалигини таъминлаш учун даврийлик ва самарадорлик билан амалга оширилиши керак.

60. Тозалаш ва дезинфекция қилиш бўйича ишлаб чиқариш майдончаларида ёзма тартиб-қоидалар бўлиши ва унда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

тозалаш ва зарур ҳолларда, дезинфекция қилиниши лозим бўлган хоналар, буюмлар, жиҳозлар ва инвентар;

тозалаш ва зарур ҳолларда, дезинфекция қилиш учун масъуллар;

тозалаш ва зарур ҳолларда, дезинфекция қилиш усуллари ва даврийлиги;

тозалаш ва дезинфекция қилиш самарадорлигини баҳолаш.

61. Тозалаш ва дезинфекция қилиш самарадорлигини баҳолаш мақсадида вақти-вақти билан визуал текширув ва тизимли ички назорат ўтказилиши керак.

62. Микроорганизмларнинг дезинфекцияловчи воситаларига нисбатан бардошлилиги ривожланиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, турли хил микроорганизмларнинг (масалан, бактерия ва замбуруғлар) фаолсизланишини таъминлаш учун дезинфекция қилиш воситалари вақти-вақти билан алмаштирилиши лозим.

63. Кемирувчилар киришининг олдини олиш ва уларнинг яширин кўпайиш жойларини бартараф қилиш мақсадида ишлаб чиқариш майдончаларидаги қурилма ва иншоотларнинг лозим даражадаги ҳолати сақланиши керак.

64. Тирқишлар, тешиқлар, тарновлар ва кемирувчилар кирадиган бошқа жойлар ёпиқ бўлиши, эшиқлар полга маҳкам туташган бўлиши, очиладиган ойналар, эшиқлар ва шамоллатиш тешиқлари ҳимоя экранлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

65. Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш корхоналари ҳудудига ҳайвонлар киришига йўл қўйилмайди.

66. Озиқ-овқат ва сув мавжудлиги кемирувчилар тўпланиши ва инфестацияга имкон яратишини ҳисобга олган ҳолда, озиқ-овқатлар кемирувчилардан ҳимояланган контейнерларда ва ёки полдан юзасидан баландроқ кўтарган ҳолатда, деворлардан узоқроқ жойда сақланиши керак.

67. Инфестация белгиларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш майдончалари ва туташган ҳудудлар мунтазам равишда кузатиб борилиши лозим.

68. Детекторлар, хўрақлар ва қопқонлар (масалан, ҳашаротлар ёруғлик тузоқлари,) кемирувчиларнинг биноларга кириши ва хомашё ёки маҳсулотларни яширин ифлослантиришининг олдини оладиган тарзда жойлаштирилиши керак.

69. Кемирувчилардан зарарланиш ҳолатини дарҳол бартараф қилиш ва такрорий инфестациянинг олдини олиш учун зарарланишнинг сабабини аниқлаш ва тузатиш чоралари кўрилиши керак.

70. Агар кемирувчиларга қарши кураш дастурлари бошқа ихтисослашган корхоналар томонидан амалга ошириладиган бўлса, даврий равишда кемирувчилар назорати ва кўрилган чоралар (масалан, кемирувчиларни йўқотиш, уларнинг яшаш жойларини ёки кириш йўллари йўқ қилиш) бўйича ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги текшириб турилиши керак.

71. Кимёвий, физикавий ёки биологик воситалар билан ишлов бериш озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги учун хавф туғдирмайдиган усуллар билан амалга оширилиши керак.

72. Зарарланиш ҳолатлари, мониторинг тартиб-таомиллари ва кемирувчиларни йўқ қилиш чора-тадбирлари амалга оширилишини ёзма равишда қайд этиб борилиши керак.

### **15-боб. Ходимларнинг шахсий гигиенаси, ҳуқ-атвори, касбий тайёргарлигисиг ва малакасига қўйиладиган талаблар**

73. Озиқ-овқат саноати корхоналарида ходимларнинг шахсий гигиенасига оид тартиб-таомиллар ишлаб чиқилиши, ходимлар ушбу тартиб-таомиллардан хабардор қилиниши ва уларга риоя қилиши лозим.

74. Озиқ-овқат маҳсулоти билан ишлашга тиббий қарши кўрсатмалари бўлган, шу жумладан юқтирилган яралар ёки кесилган жароҳатлари бўлган ёхуд озиқ-овқат маҳсулоти ва тегишли технологик жараёнлар орқали юқиши мумкин бўлган касалликлар ташувчиси бўлган, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотини бевосита ёки билвосита ифлослантириш эҳтимоли мавжуд бўлган ходимларга бевосита озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ бўлган жараёнларда ишга қўйиш тақиқланади.

75. Ишга қўйишни тақиқловчи ҳолатларга қуйидагилар киради:

тери қопламининг сарғайиши;

диарея;

қайт қилиш;

безгак;

иситма кўтарилиш билан томоқ оғриши;

кўринадиган юқумли тери жароҳатлари (йирингли яралар, яллиғланган кесиклар ва хок.);

қулоқ, кўз ёки бурундан оқиндилар юзага келиши.

76. Имкон қадар, кесик ёки яраси мавжуд ходимлар озиқ-овқат маҳсулоти билан бевосита алоқада бўлмайдиган жойларда ишлаши керак. Агар ходимга ишлашни давом эттиришга рухсат берилса, кесиклар ва яралар тиббий сув ўтказмайдиган пластирлар ёки зарур ҳолларда қўлқоплар билан ёпилган бўлиши керак. Пластирлар ифлосланиш манбаи бўлмаслиги керак.

77. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва/ёки уларнинг муомаласи амалга ошириладиган ишлаб чиқариш майдончаларининг ходимлар шахсий тозаликни юқори

даражада сақлашлари ва тегишли ҳимоя кийимлари, тегишли бош кийими ёки бошнинг сочли қисми ва соқолини ҳимоя қилиш учун тўрлар ва махсус поябзал кийишлари шарт.

78. Ходимларнинг четдан захарланишининг олдини олиш чоралари кўрилиши, шу жумладан кўлларни лозим даражада ювиш ва кўлқоплардан фойдаланиш керак.-

79. Ходимлар, шу жумладан кўлқоп кийганлари, мунтазам равишда қуйидаги ҳолатларда кўллари ювишлари керак:

озик-овқат маҳсулоти билан амалиётларни бошлашдан олдин;

танаффусдан кейин иш жойига қайтганда;

ҳожатхонага ташриф буюргандан сўнг дарҳол;

чиқинди ёки хом ва қайта ишланмаган озиқ-овқат каби ҳар қандай ифлосланган материаллар билан ишлагандан кейин, агар бу бошқа озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлса.

80. Кўлларни ювиш совундан фойдаланиш, кўлларни чайиш ва қайта ифлосланишни олдини оладиган тарзда куритишни ўз ичига олиши керак.

Кўллар учун дезинфекция қилиш воситалари фақат кўлларни ювгандан кейин кўлланилиши лозим.

81. Озиқ-овқат маҳсулоти билан ишлашда озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан сақланишлари керак:

чекиш ёки вейпинг;

тупуриш;

сақич чайнаш, озиқ-овқат ва ичимликлар истеъмол қилиш;

ифлосланиш;

ҳимояланмаган маҳсулотлар тепасида аксириш ёки йўталиш.

82. Озиқ-овқат маҳсулоти билан амалиётларни амалга оширишда тақинчоқлар, соатлар, тўғноғичларлар, соч қисқичлари ёки озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланиш манбаига айланиши мумкин бўлган ёпиштирма тирноқлар, кирпиклар ва бошқа шу каби шахсий буюмларни тақиш тақиқланади.

50. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи ва озиқ-овқат билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлувчи барча шахслар ўзларига топширилган амалиётларни бажаришда малакали бўлишларини таъминлаш учун озиқ-овқат гигиенаси ҳақида етарли тушунчага эга бўлишлари керак.

Барча ходимлар озиқ-овқат маҳсулотларини ифлосланиш ва бузилишидан ҳимоя қилишда ўзларининг роли ва масъулиятини тушунишлари, озиқ-овқат маҳсулот51. ини гигиеник тарзда қайта ишлаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Ювиш воситалари ва бошқа эҳтимолий хавфли кимёвий моддалар билан ишлаган шахслар озиқ-овқат маҳсулотлари ифлосланишининг олдини олиш учун улар тегишли тарзда кўллаш борасида ўқитилиши зарур.

51. Тегишли тайёргарлик даражаси қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак:

озик-овқат билан боғлиқ хавфларнинг табиати, масалан, унинг патоген ёки зарар етказувчи микроорганизмларнинг кўпайишига муҳит яратиб бериш хусусияти, эҳтимолий физик ифлослантурувчи моддалар ёки маълум аллергенларнинг мавжудлиги;

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва қадоқлаш йўллари, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулоти илан муомала қилиш ҳамда ифлосланиш эҳтимоли;



озик-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки уни истеъмол қилишдан олдин кейинги тайёрлаш даражаси ва характери;

озик-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитлари;

озик-овқат маҳсулотини истеъмол қилинишидан олдин кутилаётган вақт;

озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари ва асбобларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

52. Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмига, фаолияти ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг турларига қараб, ўқитиш ва назорат қилиш, шу жумладан ўқитиш ва мураббийлик дастурлари самарадорлигини даврий баҳолаб борилиши зарур.

### **16-боб. Озиқ-овқат маҳсулотига боғлиқ жараёнларга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

85. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласини амалга ошириш жойларида хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари тизимидаги кенг қамровли гигиеник назорат дастурлари доирасида гигиена талаблари доимий қўлланилиши лозим. Гигиеник назорат дастурлари озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигига таҳдид солувчи хатарларни бартараф қилиш ёки камайтириш учун етарли бўлиши керак.

86. Мазкур жойлар учун белгиланган гигиена тартиблари ва амалиётларига риоя қилинишини ҳамда назорат қилиниши лозим бўлган хавфлар назорат қилиниши керак. Ушбу жараёнлар қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

гигиена талабларига риоя қилишни назорат тартибларини мониторинг ўтказиш усулларини, жумладан, масъул шахсларни ҳамда намуна олиш даврийлиги ва жадвалини (қўлланилганда) белгилаш;

мониторинг натижаларини қайд этиш;

мониторинг ўтказишнинг даврийлигини таъминлаш.

87. Агар мониторинг натижасида гигиена талабларига риоя қилишда оғишлар мавжудлиги аниқланса, уларни тузатиш (бартараф қилиш) чоралари кўрилиши лозим.

Тузатиш чораларига қуйидагилар киради:

жараённи назорат остига қайтариш, масалан, ҳароратни, вақтни ёки дезинфекцияловчи восита концентрациясини ўзгартириш;

тегишли маҳсулотни ажратиб қўйиш ва унинг хавфсизлиги ва/ёки яроқлилигини баҳолаш;

агар маҳсулот бозор учун мақбул бўлмаса уни утилизация қилишнинг тегишли усулини аниқлаш;

оғишга олиб келган сабабни аниқлаш;

муаммони такрорламаслик чораларини кўриш.

88. Тузатиш чоралари акс эттирилган қайдлар сақлаб қўйилиши лозим.

89. Озиқ-овқат маҳсулотига боғлиқ жараёнларда қуйидаги талабларга риоя қилиниш керак:

кирувчи материаллар, шу жумладан хомашё ва озиқ-овқат таркибий қисмлари хавфсизлик талабларини ҳисобга олган ҳолда харид қилиш ва зарур ҳолларда уларнинг тегишли ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;

хомашё ёки бошқа таркибий қисмларни заруратга қараб текшириш (масалан, визуал кўздан кечириш, қадоқнинг бутунлигини текшириш, яроқлилик муддатини, қайд қилинган

аллергенларни текшириш, совутилган ва музлатилган озиқ-овқат маҳсулотининг ҳароратини ўлчаш ва ҳк.).

зарур ҳолларда, оддий асбоб-ускуналарни текшириш усуллари, экспресс-усуллар, шунингдек, лаборатория текширувларини қўллаш;

озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хомашё ва озуқавий таркибий қисмлари қайта ишлангандан кейин инсон истеъмоли учун яроқсиз бўлса, уларни қабул қилишни тақиқлаш;

ишлаб чиқариш майдончаларида сақланадиган бирламчи маҳсулотлар ва барча таркибий қисмларни уларни бузилишдан сақлайдиган ва ифлосланишдан ҳимоя қиладиган шароитларда сақлаш;

озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ёки қайта ишлашнинг барча босқичларида ҳар қандай ифлосланишдан ҳимоялаш;

хомашё, таркибий қисмлар ва тайёр маҳсулотларнинг хавфсизлигини баҳолашда уларда рўйхати тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган аллергияларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш ва истеъмолчини аллергиялар мавжудлиги ҳақида хабардор қилиш.

90. Шунингдек, озиқ-овқат майдончаларида озиқ-овқат маҳсулоти ва хомашёсини, озиқ-овқат маҳсулоти ва хомашёси таркибига киритилиши мумкин бўлган моддаларни етказиб берувчилар ҳамда маҳсулотларни олувчилар тўғрисида қайдлар юритилиши керак.

Қайдлар тушунарли, аниқ бўлиши ва маҳсулотнинг аниқ тавсифи, ҳажми ёки миқдори, партия рақами, етказиб берувчининг ёки олувчининг номи ва манзили, етказиб бериш ёки жўнатиш санаси тўғрисида батафсил ахборотни ўз ичига олган маълумотлар бўлиши зарур.

### **17-боб. Ҳарорат режимига ва термик ишлов бериш жараёнларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

91. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва муомаласини амалга ошириш майдончаларида узлуксиз равишда белгиланган ҳарорат режимига риоя қилиниши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотини истеъмолчиларнинг соғлиғига хавф туғдирмаслиги шарти билан жўнатиш, ташиш, сақлаш, сотиш ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш жараёнида қисқа муддат давомида ҳарорат режимига риоя қилмасликка рухсат берилади.

92. Агар озиқ-овқат маҳсулоти паст ҳароратларда сақланиши ёки сотилиши керак бўлса, улар иссиқлик билан ишлов бериш босқичидан ёки ишлаб чиқаришнинг охириги босқичидан сўнг, имкон қадар тезроқ истеъмолчиларнинг соғлиғига хавф туғдирмайдиган ҳароратгача совутилиши керак.

93. Озиқ-овқат маҳсулотини муздан эритиш патоген микроорганизмларнинг кўпайиши ёки озиқ-овқат маҳсулотида токсинлар ҳосил бўлиши хавфини камайтирадиган тарзда амалга оширилиши, муздан эритиш вақтида озиқ-овқат маҳсулоти истеъмолчининг соғлиғига хавф туғдирмайдиган ҳароратда сақланиши, муздан эритиш натижасида ҳосил бўлган суюқлик соғлиқ учун хавф туғдириши мумкин бўлса, у хавфсиз усулда тўкиб ташланиши, муздан эритилгандан сўнг, озиқ-овқат маҳсулоти патоген микроорганизмларнинг кўпайиши ёки токсинлар пайдо бўлиши хавфини олдини олган ҳолда сақланиши лозим.

94. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва муомаласини амалга ошириш майдончаларида белгиланган асосий жараён параметрлари (ҳарорат, ишлов беришнинг давомийлиги, босим, қадоқнинг бутунлиги, микробиологик кўрсаткичлар) мунтазам текшириб бориш йўли билан қўлланиладиган термик ишлов бериш усуллари аниқланган натижаларга мос келиши таъминланиши керак.

95. Ишлов берилмаган озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш учун ёки ишлов берилган озиқ-овқат маҳсулотини келгусида қайта ишлаш учун фойдаланиладиган ҳар қандай термик ишлов бериш жараёни:

ишлов берилган озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар бир қисмини белгиланган вақт давомида белгиланган ҳароратгача иситишни ўз ичига олиши;

қайта ишлаш вақтида озиқ-овқат маҳсулоти ифлосланишининг олдини олиши лозим.

### **Озиқ-овқат маҳсулотини қадоқлаш ва ташишга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари**

96. Озиқ-овқат маҳсулотини қадоқлаш, шу жумладан бирламчи қадоқлашни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя қилиниши шарт:

қадоқлаш, шу жумладан бирламчи қадоқлаш учун ишлатиладиган материаллар, ифлослантириш манбаи бўлмаслиги;

бирламчи қадоқлаш учун материаллар уларнинг ифлосланиши мумкин бўлмаган тарзда сақланиши;

қадоқлаш жараёни, шу жумладан бирламчи қадоқлаш жараёни, маҳсулотларни ифлослантириш ва қадоқлашнинг бутунлигини бузиш мумкин бўлмайдиган тарзда амалга оширилиши лозим.

97. Қадоқлаш, шу жумладан қайта фойдаланиладиган бирламчи қадоқлаш учун ишлатиладиган материаллар осон тозаланиши ва зарур бўлган тақдирда дезинфекция қилиниши керак.

98. Озиқ-овқат маҳсулотини ташиш учун рухсат этилган транспорт воситалари ва/ёки контейнерлардан фойдаланилиши лозим.

Бунда, транспорт воситалари тоза бўлиши, керакли ҳолатда сақланиши ва озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишдан ҳимоясини таъминлаши, шунингдек самарали тозалаш ва/ёки дезинфекция қилиниши таъминлайдиган тузилишга эга бўлиши лозим.

99. Агар бир турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотини ташиш учун транспорт воситалари ва/ёки контейнерлардан фойдаланиш келгусида ташиладиган бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотининг ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлса, у ҳолда бундай транспорт воситалари ва/ёки контейнерлар фақат бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотини ташиш учун қўлланилиши лозим.

100. Транспорт воситалари ва/ёки контейнерлардан бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотини ташиш учун ёки бир вақтнинг ўзида турли хил озиқ-овқат маҳсулотини ташиш учун фойдаланилганда, уларни ифлослантириш мумкин бўлмайдиган тарзда тақсимланиши, ифлосланиш хавфининг олдини олиш учун кўрсатилган транспорт воситалари ва контейнерларнинг ҳар бири кейинги юклашдан олдин самарали тозаланиши керак.

101. Суяқ, донали, кукунли озиқ-овқат маҳсулотини ташиш фақат озиқ-овқат маҳсулотини ташиш учун мўлжалланган сизимлар ва контейнерларда амалга оширилиши,

сиғимлар ва контейнерлар уларнинг белгиланган вазифаси кўрсатилган ҳолда аниқ тамғаланган бўлиши керак.

102. Озиқ-овқат маҳсулоти транспорт воситалари ва контейнерларда ифлосланиш хавфини камайтирадиган тарзда жойлаштирилиши лозим.

103. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати иловада келтирилган.

Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг  
умумий санитария қоидалари, нормалари  
ва гигиена нормативларига  
(\_\_\_\_\_ -сон СанҚваН)  
ИЛОВА

**Ишлаб чиқувчилар рўйхати:**

- Шукуров А.Н.** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ЖСТ масалалари билан ишлаш бўлими бошлиғи, т.ф.н.;
- Худайберганов А.С.** Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Овқатланиш гигиенаси лабораториясининг мудирини, т.ф.д., профессор;
- Элинская О.Л.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси Санитария-эпидемиология нозорати бошқармасининг токсикология бўлими мудирини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг токсикология бўйича бош мутахассиси, т. ф. д., к.и.х.;
- Эрматов Н.Ж.** Тошкент тиббиёт академияси, Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори, т.ф.д., профессор.

**Тақризчилар рўйхати:**

- Зарединов Д.А.** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Гигиена ва радиация хавфсизлиги кафедраси мудирини, т.ф.д., профессор;
- Исмаилов А.Д.** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бош мутахассиси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг овқатланиш гигиенаси бўйича бош мутахассиси, т.ф.н.;
- Алимухамедов Д.Ш.** Тошкент тиббиёт академияси, Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси доценти, т.ф.д., доцент.